НИКОҲГА ТАЙЁРЛИКНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГОТОВНОСТИ К БРАКУ

SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FEATURES READINESS FOR MARRIAGE

Калит сўзлар: *никоҳ олди омиллари, никоҳга тайёрлик, жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, касб-ҳунар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, психологик.*

Ключевые слова: *предбрачные факторы, готовность к браку, физическая, физиологическая, юридическая, профессиональная, экономическая, социальная, этико-психологическая, психологическая.*

Key words: *premarital factors, readiness for marriage, physical, physiological, legal, professional, economic, social, ethical-psychological, psychological.*

Мақолада никоҳ олди омилларидан никоҳга тайёрлик омили ўзбеклар мисолида кўриб чиқилган, никоҳга тайёрликнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ўзбекларнинг никоҳга етилиш билан боғлиқ тушунчалари ва қарашларининг тадқиқот натижалари келтирилган.

В статье освещается один из предбрачных факторов – готовность к браку на примере узбеков, анализируется социально-психологические свойства готовности к браку. Также приведены практические результаты понятия и отношение узбеков связанные с готовностью браком.

The article highlights one of the pre-marriage factors, readiness for marriage on the example of Uzbeks, analyzes the social-psychological properties of readiness for marriage. The practical results of the concepts and attitudes of Uzbeks related to the readiness of marriage are also given.

Никоҳ олди омиллари никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунимиз учун муҳим ҳисобланган психологик омилларни ўзида мужассамлаштиради. У кўп қиррали омиллар мажмуасидан иборат бўлиб, ёшларнинг ўзлари қураётган турмушга қай даражада тайёр эканликларини белгилаб беради. Бу борада ёшларнинг оилавий ҳаётга, эр-хотин бўлиб яшаш талабларига бу омиллар қай даражада жавоб бера олади? Шунингдек, никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлиги, уларнинг оила қуриш мотивлари, уларнинг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкинми? деган саволлар юзага келиши мумкин.

Албатта, бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича кўринишда бўлиши мумкин. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга бўлинади.

Никоҳга тайёрлик тушунчаси ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доим ривожланиб, такомиллашиб борувчи, касб-ҳунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан-янги чўққиларга эришиб борувчи инсон – шахс тушунчасини ҳам ифода қилади. Агар инсонни у ёки бу фаолиятига «тўла етуклиги» хусусида гапирадиган бўлсак, демак, бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам кишининг никоҳга тайёрлиги масаласида фикр юритилганида бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган андоза, ўртача меъёр сифатидагина фойдаланилади. Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга тайёрлиги масаласи ўта мураккаб, бирон-бир меъёр билан ўлчаб бўлмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир. Масалан, никоҳга тайёрлик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг *жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, касб-ҳунар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, психологик* каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин [1:60–65, 2:91–97, 3:5–7, 4:36–38]. Булар орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик жиҳатларга эга. Иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар эса бир оз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади. Зотан, оила қурилаётганида бу хусусиятлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Жинсий етуклик етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам никоҳга жинсий етуклик дейилганда одамнинг физиологик жиҳатдангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди. Бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараёндир.

Оила қуришга *ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлик* оила қуриш ёши, оила мулки, эр-хотин ва ота-оналик, фарзандлик ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақидаги ҳуқуқий билимлар мавжудлигини ифодалайди. Ўз навбатида, ҳуқуқий етукликнинг ўзи ҳуқуқий оила қуриш ёшига етиш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади.

Касб-ҳунар етуклиги ҳам мураккаб тушунча бўлиб, маълум ўқув юртини, ўқув курсларини битириш, яъни конкрет бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Агар баъзи касбларда 18 – 20 ёшгача етукликка эришиш мумкин бўлса, бошқасида ўқув юртини (коллеж, университет ва ҳ.) битиргач, ўз касби бўйича бир неча йил ишлагандан сўнг камида 30 ёшларда бунга эришиш мумкин.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг *иқтисодий жиҳатлари* келин-куёвларнинг бўлажак оилани моддий жиҳатдан узлуксиз таъминлаб туришга қодирлиги, ёш оиланинг яшаш жойи, оила юритиш учун тадбиркорлик фазилатларига эгалигидир. Бу етукликда ҳам ёш чегараланиши юқоридагидек фарқ қилади.

Оила қуришга *ижтимоий жиҳатдан тайёр бўлиш* учун оиланинг жамиятда тутган ўрнини, унинг ижтимоий вазифаларини, оила қуриш, фарзандли бўлиш, уларни тарбиялаш масъулиятларини англаб етиш керак.

Оила қуришга *маънавий-ахлоқий тайёр бўлиш* ҳақида гапириш мураккаброқ. Бироқ шуни айтиш мумкинки, у ёшларда оилавий ҳаёт тарзи ҳақидаги тушунчаларни англаб етиш, оилавий муносабат маданиятининг шаклланиши, уй-рўзғор ишларини юрита билиш, оила осойишталигини таъминлаш, бўш вақтини тўғри ташкил этиш каби масалаларни ҳам қамраб олади.

Инсоннинг *психологик етуклиги* ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари даражасида мақсадларни қўйиш, турли яшаш шароитларига мослашиш, турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиш, янги оила аъзолари билан яхши мулоқотда бўлиш, уларнинг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, оилада содир бўладиган низоларнинг олдини олиши ва уларни конструктив йўналтириш, низоли вазиятлардан оилани талофатсиз олиб чиқиш, оила аъзоларига зарур бўлганда психотерапевтик таъсир кўрсатиш малакаларини қўллашни талаб этади.

Никоҳга тайёрликда юқорида қайд қилинган омилларнинг ҳаммаси муҳим бўлса-да, ИПСга кўра, респондентлар (24,2%) биринчи ўринга маънавий-ахлоқий етукликни қўядилар. Аммо овоз берилишига кўра (48,3%), у иккинчи ўриндадир. Аксинча, жинсий етуклик (23,3%) биринчи ўринга қўйилиши бўйича иккинчи ўриндан жой олган бўлса, овоз берилишига кўра (50%), у биринчи ўринда. Аммо шуни айтиш керакки, жинсий етуклик асосан аёллар (36,7%) ҳисобига биринчи ўринга қўйилиши бўйича иккинчи ўриндан, овозлар сонига қараб биринчи ўриндан жой олган. Учинчи ўриндан ҳуқуқий жиҳатдан етилиш (21,7%) жой олган, аммо овоз берилишига кўра (44,2%), у тўртинчи ўриндадир. Биринчи ўринга қўйилиши бўйича умумий ҳисобга кўра тўртинчи ўриндан жой олган жисмоний етуклик (20%) умумий овозлар берилишида (45,8%) бир поғонага кўтарилган. Касб-ҳунарда етилиш (18,3%) бешинчи ўриндан жой олган. Афсуски, психологик (15,8%) ва ундан муҳимлик жиҳатидан қолишмайдиган иқтисодий етукликлар (15,8%) энг охирги ўринлардан жой олган. Эътиборлиси, ушбу етукликлар эркакларга нисбатан аёлларда муҳим аҳамият касб этган. Айниқса, иқтисодий етук бўлиб никоҳ қуришга эркакларга (25%) нисбатан аёллар (46,7%) кўпроқ овоз берганлар (1-жадвал).

1-жадвал

Йигит-қизларнинг никоҳ қуришга етилиши

		Қачон йигит-қизлар никоҳ қуришга етилади деб ўйлайсиз?	У	А	Э	*Етук-ликлар*	У	А	Э
		Ўринга қўйилиши бўйича					*Овоз берилиши бўйича*		
Ў	**№**	**1-ўринга қўйилган**	%	%	%	**№**	%	%	%
1	**1**	Маънавий-ахлоқий	24,2	23,3	25	**2**	50	60	40
2	**2**	Жинсий етилганда	23,3	36,7	10	**1**	48,3	46,7	50
3	**3**	Ҳуқуқий (қонунга биноан)	21,7	23,3	20	**4**	45,8	46,7	45
4	**4**	Жисмоний (физиологик)	20	25	15	**3**	44,2	38,3	50
5	**5**	Касб-ҳунарда етилганда	18,3	26,7	10	**5**	45	50	40

6	**6**	Психологик	15,8	16,7	15	**6**	36,7	43,3	30
7	**7**	Иқтисодий (моддий)	15,8	21,7	10	**7**	35,8	46,7	25
	8	Жавоб бермади	3,3	6,7	–				

Корреляция коэффициенти натижалари таҳлилига кўра (2-жадвал), статистик жиҳатдан аҳамиятлилик даражаси юқори бўлмаса ҳам, жинсий етуклик масаласи бўйича жавобларда тескари тенденция кўзга ташланмоқда (r=-0,34, p≤0,1).

2-жадвал

Йигит-қизларнинг никоҳ қуришга етилиши
(К.Пирсон r_p корреляция коэффициенти асосида)

	Аёл	***Эркак***		***А***	***Э***
	Ўрин	Ўрин		Ў	Ў
Маънавий-ахлоқий	IV	I	Касб-ҳунарда етилганда	II	IV
Жинсий етилганда	I	IV	Психологик	VI	III
Ҳуқуқий	IV	II	Иқтисодий (моддий)	V	IV
Жисмоний (физиологик)	III	III	**r=-0,34 p≤0,1**		

Демак, тошкентлик ўзбекларда жинсий, ҳуқуқий, жисмоний етукликлар никоҳ қуришда асосий омиллардан бири сифатида қолмоқда, аммо биринчи ўринга маънавий-ахлоқий етукликнинг чиқиши ҳозирда тошкентликларнинг никоҳга тайёрлик борасидаги қарашларида ижобий психологик ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади. Агар эркаклар биринчи ўринга маънавий-ахлоқий етукликни қўйсалар, аёллар жинсий етукликни муҳимроқ деб ҳисоблайдилар. Шу билан биргаликда, эркакларга ҳуқуқий етилиш ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Аёллар учун эса касб-ҳунарда етилиш, жисмоний, маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий ва иқтисодий етукликлар муҳим аҳамият касб этади. Бирорта ҳам респондент никоҳ етукликларининг барчасини оила қуришда муҳим деб топмади. Шулардан амалда жисмоний, жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий етукликлар никоҳ қуришда инобатга олиниши учраса, камдан-кам ҳолларда маънавий-ахлоқий ва психологик етукликлар эътиборга олинади. Ҳолбуки, бу етукликлар оила мустаҳкамлигида ҳал қилувчи ҳисобланади.

Шуни айтиш жоизки, ёшларнинг жисмоний балоғатга етиши билан ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, мутахассисликни эгаллаш борасидаги етуклик ўртасида номувофиқликни вужудга келтирмоқда. Ёшларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳаётга кириб келиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашуви туфайли жуда кеч бошланмоқда, жинсий етилиш эса аввалроқ намоён бўлмоқда. «Етуклик» тушунчаси албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан узвий боғлиқ. Бу борада ўзига хос индивидуал хусусиятлар мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади.

Ёшларнинг ҳали ота-оналарига иқтисодий жиҳатдан қарамлиги, яшаш шароитининг айрим носозликлари, касалликларнинг кўпайиши, ахлоқий ва руҳий муҳитнинг ёмонлашуви, бахтсиз, нотўлиқ оилаларнинг мавжудлиги, жинсий тарбиянинг тўла йўлга қўйилмаганлиги каби бир қатор объектив сабаблар бўлажак оила қурувчи ёшларнинг шаклланиш жараёнини мураккаблаштиради, эр-хотинлик, ота-оналик муносабатларини бажаришларига салбий таъсир кўрсатади. Бу ўринда ота-она, маҳалла, мактаб, ўқув юртлари, ёшлар ташкилотининг ўрни каттадир. Собиқ Иттифоқ даврида ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари дастурларида оилавий ҳаёт ҳақида, ёшларни келажакда оила қуриб, эр-хотин бўлиб яшаш ва ота-она бўлиб фарзандларни тарбиялаш каби вазифани адо қилишга тайёрлаш масалалари киритилмаган эди [3:10–11]. Устига устак, оилавий ҳаёт ҳақида ёшлар, айниқса, ўсмирлар олдида фикр юритиш, бу соҳада уларга тўғри йўналиш бериш «уят» ҳисобланган. Жинсий масала эса умуман «ёпиқ» мавзу ҳисобланган, гўёки бундай муносабатнинг ўзи йўқдек. Бугунги кундаги ота-оналар ўша муҳит тарбиясининг маҳсули. Албатта, бу билан барча айбни совет ҳукуматига ағдариш нотўғри бўлади. Аммо совет даврининг халқ тарбиясига, унинг руҳиятига, ўз навбатида, менталитетига бўлган таъсирини тан олмасдан иложи йўқ. Бугун ўтмишда қилинган хатоларни тузатишга ҳаракат қилиняпти. Ўзбекистонда ҳозир оилага тайёргарликни боғча, мактабдан бошлаш йўлга қўйилган. Лекин унинг қай даражада амалга ошаётганлиги ва унинг сифати ҳақида айтиш

мушкул. Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг қай ҳолатда шаклланиши нафақат ота-она, балки ўқитувчиларнинг ҳам бу соҳадаги билим-савияси, оиладаги соғлом турмуш тарзи, оила талабларини қай ҳолатда бажаришларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гребенников И.В. Основы семейной жизни. Учеб. пособие для пед. инс-тов. – М.: Просвещение, 1991. – 156 с.

2. Ибн Сино Абу Али. Тиб қонунлари (Уч жилдлик сайланма). – Тошкент, 1994. II жилд. – 320 б.

3. Оила психологияси: Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун / Шоумаров Ғ.Б. таҳр. ост. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 272 б.

4. Халматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. – Тошкент, 2000. – 95 б.

Ziyodaxon RASULOVA,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi «Din psixologiyasi va pedagogika» kafedrasi dotsenti, psixologiya fanlari doktori